

Зулфия ШАКИРОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти кафедраси
доценти, тарих фанлари номзоди

МАККА ШАҲРИНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШ ТАРИХИ

Худайбия сулҳи тузилганидан сўнг, 8-ҳижрий йилгача қурайшийлар ва мусулмонлар ўртасида тўқнашув юз бермади. Икки томон ҳам аҳдномага риоя қилди. Лекин маккаликлар 8-ҳижрий йилга келиб, уни буздилар. Аслида сулҳ 10 йил муддатга имзоланган эди. Пайғамбар сулҳнинг узоққа чўзилмаслигининг асосий сабабларидан бири – Макка ва Мадинага иттифоқдош қабилалар ўртасида чиқиши мумкин бўлган низо бўлишини аниқ биларди. Чунки Худайбия сулҳига кўра, пайғамбар билан Хузоа, қурайшлар билан битим тузган Бану Бакр қабилалари ўртасида азалдан ўзаро адоват мавжуд бўлиб, у Худайбия сулҳидан сўнг барҳам топганди¹.

Мутаъ жангидан кейин қурайшийлар мусулмонларни мағлуб бўлган ҳисобладилар ва фурсатдан фойдаланиб, Худайбия сулҳидан олдинги даврга қайтиш керак, деган фикрга келдилар. Милодий 629 йилнинг декабри, 8-ҳижрий йилнинг шаъбон ойида бу икки қабилла ўртасидаги муносабат кескинлашди. Бану бакрлик бир киши Муҳаммад пайғамбар устидан кулиб, ҳажвий шеър ёзгани учун хузоалик уни ўлдирди. Ушбу воқеадан фойдаланган бакрийлар тунда хузоалар устига бостириб бориб, йигирмага яқин одамни ҳалок қилдилар².

О.Большаковнинг маълумотига кўра, боскинга хузоалар бакрийларнинг учта машхур шахсларини қатл этганлари сабаб бўлган³. А. Мюллер: «Қурайшлар бу ҳужумни қўшинининг сони кундан-кунга кўпайиб бораётган Муҳаммаднинг Маккани қўлга олишидан сақланиш учун уюштирган»⁴, – дейди. Тадқиқотчининг мазкур фикрига қўшилиш мумкин. Чунки, Арабистонда қурайшийларнинг нуфузи Худайбия сулҳигача жуда баланд эди. Сулҳ тузилгач, бу мавқени мусулмонлар эгаллашди. Бундан ташқари, исломни қабул қилиб, янги давлатга бирлашаётган қабилалар сони кундан кунга кўпайиб бораётгани сабабли, мусулмонларга қарши чиқилмаса, Каъбанинг бошқарувидан ҳам маҳрум бўлишлари мумкин эди.

Бакрийлар ҳужумига учраган хузоалар номидан Амр ибн Солим Мадинага бориб, бу ҳодисани маълум қилганида, пайғамбар ғазабланиб ва уларни ўз ҳимояларига олишга ваъда бериб, ўз жойларида кутишларини маслаҳат берди ва сулҳ бузилмаслиги учун маккаликларга бир элчи орқали қуйидаги уч таклифни билдирди:

1. Ўлдирилган хузоаларнинг оилаларига дият берилади.

³ Большаков О.Г. История халифата. – М.: ГРВЛ, 2000. – С. 157.

⁴ Мюллер А. Арабы и ислам: От доисламской истории арабов до падения династии Аббасидов / пер с нем. – М.: Астрель, 2004.. – С. 130.

¹ Жазоирий. Ҳаза ал-ҳабиб. – Ал Қоҳира, 2004. – Б. 309.

² Маъмун Ҳаммуш. Ас-Сийра ан-набавийя. – Байрут, 2009. Ж. 2. – Б. 1229.

2. Бану Бакир қабиласини ҳимоя қилишдан воз кечилади.

3. Бу икки таклифдан бири қабул қилинмаган тақдирда, Ҳудайбия тинчлик сулҳи бузилган ҳисобланади.

Маккалик қурайшийлар элчини қабул қилмай, ортига қайтариб юбордилар. Бироқ бир оз муддат ўтгач, Қурайш пешволари ўзларининг ўйламасдан қилган ишлари сулҳни бузилишига олиб келгани ва ўртада уруш бўлиши муқаррар эканлигини англаб етдилар. Улар илгари қурайшийлар сафида жанг қилган қабилаларнинг мусулмонлар томонига оғиб кетаётгани ва уларнинг куч-қуввати ошаётгани ва урушни хоҳламаётган халқ энди жангга чиқмаслиги Маккани хатарда қолишига олиб келганлигини идрок этдилар. Бунинг олдини олиш мақсадида ҳодисанинг олтинчи куни Абу Суфённи Мадинага битимни янгилаб, муддатини чўздириш учун юбордилар. У мусулмонлар Маккага юриш бошламасларидан олдин сулҳни янгилашга улгуриши керак эди. Ҳузоалар шикоят билан келганларидаёқ, пайғамбар Маккани фатҳ этишга қарор қилган ҳамда Абу Суфённинг сулҳ муддатини чўздиришга келишини олдиндан билган эди⁵.

Абу Суфён Мадинага келаётиб, Усфонда Будаилни учратиб қолди. У пайғамбар билан учрашганлигини инкор қилса-да, ўзининг кечикканлигини билди. Шунга қарамай, жанжалнинг олдини олиш учун шошилди. У дарҳол Муҳаммадга учрамасликка интилиб, кизиникига кирди, лекин қизи уни яхши кутиб олмади.

Пайғамбар билан учрашганида, аҳдномани имзоланишида иштирок этмаганлигини баҳона қилиб, уни қайтадан тасдиқлашга келганлигини билдирди. Муҳаммад пайғамбар ўзини ҳеч нарсадан хабарсиздек кўрсатиб: «Сизлар томондан ишни ўзгартирувчи бирор нарса бўлдимиз?», – деб сўраганида, Абу Суфён: «Худо сақласин», – деди. Пайғамбар у ҳолда, ҳамма нарса ўз ўрнида қолишини айтди. Абу Суфён саҳобалардан Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алининг олдида ёрдам сўраб борди. Лекин улар ҳам ёрдам беришдан бош тортишди. Фақат Али агар Абу Суфён бану Кинонанинг оқсоқоли сифатида икки томоннинг хавфсизлигини таъминлашни ўз бўйнига олса, иш мураккаблашмаслиги

⁵ Мустафа Талас. Фатҳ Макка // Ал-мажалла ал-аскарийя. – Дамашк, 1972. – № 8. – Б. 16.

тўғрисида маслаҳат берди. Абу Суфён масжид олдида келиб, Алининг маслаҳатига кўра, икки томон хавфсизлигини бўйнига олишини эълон қилди⁶. Лекин бу иши орқали ҳам ҳеч қандай натижага эришмагач, Маккага қайтиб кетди. Маккаликлар вужудга келган ҳолат ҳақида баҳслаша бошладилар. Улар Муҳаммад муқаддас ҳарамнинг ҳурмати учун қон тўкмаслигига умид қилишса-да, вазиятнинг кескинлигини ҳис этишарди. Чунки сулҳ бандлари улар томонидан таклиф қилинганди.

Абу Суфён кетгач, пайғамбар саҳобалар билан маслаҳатлашиб, Маккага юриш қилишга қарор қилганини билдирди ва барча иттифоқда бўлган қабилаларни Мадинага чақиртирди. Йиғилган қўшин таркибини Аслам, Ғифор, Музайна, Жуҳайна, Ашж, Ҳузоа, Сулайм қабиласининг одамлари ташкил қиларди. «Хандақ» жангида мушриклар томонида жанг қилган айрим қабилалар энди мусулмонлар қўшинига бирлашганди. Албатта, бу мусулмонларнинг Арабистонда кучли эканликларининг тан олиниши ва мавқелари мустаҳкамланаётганини билдирар эди.

Маккага қарши ҳужум қилиш учун қўшин йиғилаётгани сир тутилди. Буни билдирмаслик мақсадида Абу Қатода бошчилигидаги 8 кишилик сарийя Бутн Идамга жўнатилди. Ўн мингдан ортиқ жангчидан иборат қўшин Муҳаммад пайғамбар бошчилигида йўлга чиқди. Мадинада унинг ўрнига Абу Умм Қулсум ибн Ҳусайн Фихрий қолди⁷. Расулulloҳ Арабистон тарихида шу пайтгача мисли кўрилмаган кучга эга бўлишига қарамай, Маккани иложи борица қон тўкмасдан олишнинг пухта режасини тузди. Йўлдаги баъзи қабилаларининг қўшилиши туфайли уларнинг сони ўн икки мингга етди.

Жуҳфага етгунга қадар қўшинга қайси томонга йўл олганликлари эълон қилинмади. Бу орада Ҳотиб ибн Абу Балтаъа Муҳаммад пайғамбарнинг Маккага қараб йўл олганлиги ҳақида огоҳлантириб қурайшларга нома юборди. Лекин хатни олиб боришга ёлланган аёлни йўлда тутиб олдилар. Ҳотибдан нега хоинлик қилганини сўрашганида, у Маккада қолган оиласининг хавфсизлигини таъминлаш заруриятидан мажбур бўлганини айтди. Пайғамбар Ҳотибни Бадр жанги

⁶ Большаков О.Г. История халифата. – С. 157.

⁷ Вокидий. Китоб ал-мағозий. – Байрут: Дор ал –кутуб ал илмийя. Ж. 2. – Б. 106

иштирокчиларидан бўлгани учун кечирди. Бу ҳақида Қуръоннинг Мумтаҳана сураси нозил бўлган.

Мусулмонлар қўшини Марр аз-захронда тўхтаганида, пайғамбар маккаликларга руҳий таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар бир жангчига тепаликлар устида олов ёқишни буюрдилар. Макка барча томондан ўраб олинганини англаган маккаликлар жанг қилишлари муқаррар эканлигидан кўрқдилар. Абу Суфён ўзи билан биргаликда Будаил ибн Варқо, Ҳаким ибн Ҳузомни олиб музокара учун мусулмонлар томонига жўнади⁸.

Муҳаммад пайғамбар Маккага йўлида оиласи билан Мадинага кетаётган амакиси Аббосни учратди. У амакисига охирги муҳожир эканликларини билдириб, оиласини Мадинага қўйгач, ортга қайтишини буюрди. Аббос Макка қайтаётганида йўлда Абу Суфён, Ҳаким ибн Ҳузом ва Будаил бин Варқага дуч келди. У Абу Суфённинг хавфсизлигини ўз бўйнига олиб, Муҳаммад пайғамбар ҳузурига олиб борди. Муҳаммадга олд томонидан яқинлашганида, Али унга маслаҳат берди: «Юсуфга унинг акалари айтган гапларни айт». Абу Суфён унинг айтганини бажариб: «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сени бизлардан афзал қилибди. Биз эса, ҳақиқатан, хато қилувчилардан бўлдик» (Қуръон; 12:91), – деди. Пайғамбар унга шундай жавоб қилди: «Бу кун сизларга нисбатан айблов йўқ. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай, У раҳм қилувчиларнинг раҳмлироғидир» (Қуръон; 12:92). Пайғамбар билан Абу Суфён ўртасида бутун тун давомида музокаралар бўлиб ўтди. Расулulloҳ унга агар исломни қабул қилса, Макка аҳли хавфсизлиги таъминланишига ваъда берди. Абу Суфён ҳам буту санамлари ҳеч қандай кучга эга эмаслигини англаб етиб, исломни қабул қилди. Аммо «Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси» эканини қабул қилиши қийин бўлди⁹. Унинг исломни қабул қилиши Макканинг мусулмонларга сўзсиз таслим бўлишини аңлатарди.

Пайғамбар амакиси Аббоснинг маслаҳатига бўйича иш тутиб, Абу Суфённинг маккаликлар олдидagi мартабасини сақлаб қолиш учун ким унинг ҳовлисига кирса, ёки масжидда ва ўз

уйида ўтирса, омон қолишини эълон қилдилар¹⁰. Расулulloҳ унга ҳар қандай қаршилиқ бефойда эканлигини кўрсатиш мақсадида ўз қўшинини унинг олдидан олиб ўтди. Ўз байроқларига эга, саф тортиб ўтаётган турли қабилалар жангчиларидан иборат мусулмонлар қўшинини кўрган Абу Суфён уларнинг куч-қудратини тан олди ва қурайшийларни жанг қилишдан қайтариш учун Маккага қайтди. Макка аҳли унинг гапларини тинглагач, уни ҳақоратларга кўмиб ташладилар. Шунда у: «Ўзларингни алдаманглар. Сизлар томонга келаётган кучга бас кела олмайсизлар. Муҳаммад ўн минг жангчили қўшин билан келаяпти», – деди. Қаршилиқ кўрсатмаганлар, Абу Суфённинг ёки ўз уйига кириб ўтирганларга омонлик ваъда қилинганини айтди. Аҳолининг айримлари Абу Суфённинг уйига, бошқалар эса ўз уйларига беркина бошладилар.

Қўшин қисмларга бўлиниб, Макканинг тўрт томонидан кириб борилди. Қўшинга қон тўкмаслик, фақат зарур ҳолдагина жанг қилиш буюрилди. Мусулмонлар 21-Рамазонда (630 йил 8 ёки 12 январь) ўзлари туғилиб, ўсган Маккага қайтдилар. Макка фатҳи деярли ҳеч қандай жангсиз амалга ошди. Фақат Холид ибн Волидга Икрима ибн Абу Жаҳл, Савфон ибн Умайя ва Суҳайл бин Амр бошчилигидаги қўшин қарши чиқди. Ўртада бўлиб ўтган жангда мусулмонлар томонидан 3, қурайшлардан 13 киши ҳалок бўлди¹¹. Лекин айрим манбаларда ҳалок бўлганлар сони 28 та¹² экани ҳақида маълумотлар ҳам бор. Ваъда қилинганидек, қаршилиқ кўрсатмаган аҳолининг мол-мулкига тегилмади.

Расулulloҳ Абу Бакр ҳамроҳлигида бутун шаҳарни айланиб, Каъба атрофини 7 марта тавоф қилди ва калит билан Каъба эшикларини очиб, ундаги барча бутларни синдириб ташлади. Муҳаммад пайғамбар Байтуллоҳда намоз ўқиганидан кейин, Каъба остонасида туриб, Макка аҳолисига мурожаат қилди: «Бу кун сизларга нисбатан айблов йўқ. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У раҳм қилувчиларнинг раҳмлироғидир» (Қуръон; 12:92).

Пайғамбар ислом тарихида «Фотиҳа», «Ғалаба», деб номланувчи хутбасида: «Аллоҳ

⁸ Осман Нури Топбаш. История пророков-5. Пророк Мухаммад Мустафа-2. – Б. 201.

⁹ Мюллер А. История ислама. – С. 131.

¹⁰ Заҳабий. Тарих ал-ислом. – Байрут, 1990. – Б. 531.

¹¹ Закария Башир. Мухаммад и курайшиты: история войны и мира. – Москва-Санкт-Петербург, 2008. – С. 201.

¹² Ибн Саъд. Ат-Табакот ал кубра. – Байрут. Ж. 2. – Б. 47.

ягона, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Аллоҳ бокий, туғилмаган, унга тенг йўқдир. Аллоҳ ўз ваъдасида турди ва бандаларига ёрдам берди. Бизга қарши чиққанларнинг барчаси мағлуб бўлдилар. Биз бугун уларнинг барча мушрикона қон қасоси одатларини йўқ қилдик. Бундан буён барча мушрик одатларини йўқ қиламан, энди ҳеч кимга нисбатан қон қасоси йўқ – барча эски ҳисоблар бекор қилинади»¹³, – деб, Қуръоннинг Хужурот сурасидан 13 оятни ўқидилар.

Муҳаммад пайғамбар ўз хутбасининг охирида барчага умумий авф эълон қилди. Мусулмонлар маккаликлар етказган зулмларни унутиб, уларни кечирдилар. Пайғамбар Маккага қурайшийлардан ўч олиш учун эмас, балки бутпарастлик, жоҳилликдан ҳалос этиб, уларга Аллоҳнинг ҳақ динини етказиш учун келганлигини таъкидлади.

Қурайш зодагонларига қарата: «Бугун сизлар Юсуф пайғамбар ва унинг акаларига ўхшаб кечирилдингиз. Бугун шуни айтаманки, ҳеч ким мендан ёмонлик кўрмайди. Мен сизларнинг барча зулмларингизни кечираман», – деб маккаликлар қалбини кечиримлилиқ ва раҳмдиллик билан забт этди. Макка фатҳида мусулмонларга қарши чиққан Савфон ибн Умайяга исломни қабул қилиши учун 2 ой муҳлат сўралганида, Пайғамбар унга 4 ой муҳлат берилишини билдирди. Шу ҳолатнинг ўзидан ҳатто, ашаддий душманларига ҳам шафқат қилганлигини кўриш мумкин. Ансорлар Муҳаммад пайғамбарнинг Маккада қолишидан хавотирландилар. Лекин у мусулмонларга энг қийин кунларида ёрдам берган ансорларни умрининг охиригача тарк этмаслигини эълон қилди¹⁴.

Мусулмонларнинг рақибларидан 4 таси қатл этилди, айбларини тан олганлари кечирилди. Жарчи Макка аҳлига мусулмонларнинг ахлоқ ва ҳуқуқларини эълон қилди. Унга кўра, барча мусулмонлар биродар ҳисобланиб, тинчлик аҳдномасини тузган мусулмонлар билан христиан ёки яҳудийлар номусулмон ёки мушриклар учун ўлдирилмайди ҳамда турли дин вакиллари бир-бирларига мерос қолдирмайди. Мушрикларнинг Каъбани ҳимоя қилиш, ҳожиларни сув билан таъминлашдан

бошқа вазифалари бекор қилинди. Муҳаммад пайғамбар Каъбанинг дастлабки қўриқчиларидан бўлмиш Бану Шайба уруғидан Усмон ибн Талҳага Каъба калитини топширди. Ҳожиларни сув билан таъминлаш Аббос уруғида қолди. Бу билан шаҳарнинг ҳолати, маккаликларнинг минтақадаги доимий мавқеи, уларнинг муқаддас жойни ҳимоя қилишдек вазифаларининг ўзгартирилмаётгани таъкидланди¹⁵.

Эртаси куни Муҳаммад пайғамбар Сафо тепалигида маккаликларнинг исломни қабул қилганликлари ҳақидаги қасамёдларини қабул қилди. Дастлаб эркаклар, сўнгра аёллар қасамёд қилишди. Маккаликлар мусулмонлар ғалабасини турлича қабул қилдилар. Кўпчилик бу воқеадан хурсанд бўлганига қарамай, уларнинг орасида йиллар давомида унинг ҳокимиятини тан олишни истамаётганлар ҳам бор бўлиб, улар бу ерни тарк этишни хоҳлар эди.

Пайғамбарнинг биринчи амри уйлардаги санамларни синдириш бўлди. Сўнгра шаҳар атрофи чегараларини белгилаб, тош териб чиқилди. Бут-санамларни йўқотиш учун барча томонга мусулмонлар отряди юборилди. Маккадаги бут-санамлар йўқ қилинган, бу амал Ҳижоз ва бутун Арабистон бўйлаб амалга оширилди ҳамда орол бутпарастликдан тозаланди. Бу исломнинг юксаклиги ҳамда мусулмонлар уммасининг куч-қудрати ошганлигидан дарак эди.

Пайғамбар эҳром кийиб, умра амалларини бажарди ва 15 кундан кейин Мадинага қайтди. Макка фатҳи арабларни бирлаштириш мақсади сари қўйилган биринчи қадам бўлди¹⁶.

Муҳаммад пайғамбарнинг томонлар ўртасидаги Ҳудайбия сулҳи бандларининг барчаси вақти келиб, мусулмонлар фойдасига бўлишини олдиндан кўра олгани учун Арабистон ярим оролини бир давлатга бирлаштириш учун Макка фатҳида жангсиз, қон тўқмасдан ғалабага эришди. Янги давлатнинг сиёсий пойтахти Мадина бўлиб қолаверди. Макка эса, ўзининг азалий диний марказ мавқеини сақлаб қолди.

¹³ Соғаржий. Саййидуна Муҳаммад Расулуллоҳ. – Байрут, 2003. Ж. 1. – Б. 482.

¹⁴ Заҳабий. Тарих ал-ислом. – Б. 580.

¹⁵ Акрам Диё Умарий. Ас-Сийра ан-набавийя ас-саҳийҳа. – ал Мадина, 1994. – Б. 498.

¹⁶ Аҳмад Иброҳим аш Шариф. Макка ва-л-Мадина фи ал жоҳилийя ва аҳд ар росул. – ал Қоҳира. . – Б. 528-529.